

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330. 101. 541 (5,75.1)

ЖАМОЛОВ ЖЎРАБЕК ЖАМОЛОВИЧ

**Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишга таъсир этувчи
омилларни прогнозлаштириш**

5А 230103 - «Макроиқтисодиёт» мутахассислиги

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Н. Махмудов

ТОШКЕНТ-2019

АННОТАЦИЯ

Диссертацияда иктисодий ўсишнинг мазмун моҳияти очиб берилган унинг турлари ҳамда моделлари ўрганилган ҳамда иктисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар гуруҳлари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иктисодий ўсишни таъминлаш йўллари ва эришилган натижалар баҳоланган.

Шунингдек, диссертацияда иктисодий ўсиш кўрсаткичи ЯИМга таъсир этувчи омиллар таҳлили ва саноат тармоғи, қишлоқ хўжалиги, қурилиш тармоғи, асосий капиталга киритилган инвестициялар прогноз қилинган.

ABSTRACT

The dissertation examines the types and models of economic development that have been identified and analyzed the factors affecting economic growth. In Uzbekistan, the ways of achieving economic growth over the years of independence were assessed.

The dissertation also analyzes the factors influencing the economic growth of GDP and investments in industry, agriculture, construction, and capital investments.

АННОТАЦИЯ

В диссертации рассматриваются типы и модели экономического развития, которые были выявлены и проанализированы факторы, влияющие на экономический рост. В Узбекистане были оценены пути достижения экономического роста за годы независимости.

Также в диссертации анализируются факторы, влияющие на экономический рост ВВП и инвестиции в промышленность, сельское хозяйство, строительство, капитальные вложения.

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодиёт” кафедрасида

дастлабки ҳимоядан ўтган. 3 -сонли баённома «31»05 2019 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Н. Маҳмудов

имзо

сана

31.05.19

Магистр: Ж. Жамолов

имзо

сана

31.05.19

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ.	ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ- ТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1	Иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар.....	9
1.2	Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг мазмуни.....	22
1.3	Иқтисодий ўсишни прогнозлаш усуллари.....	29
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	35
II БОБ.	МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.	37
2.1	Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлашда жалб этилаётган инвестицияларнинг таҳлили.....	37
2.2	Барқарор иқтисодий ўсишга эришишда аҳолининг иш билан бандлиги ва табиий ўсишнинг кўрсаткичлари таҳлили.....	46
2.3	Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ўсишида Давлат дастурининг моҳияти.....	55
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	61
III БОБ.	МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ.....	62
3.1	Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда Фискал сиёсати самарадорлигини барқарор ривожлантириш истикболлари.....	62
3.2	Барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар ва уларни ЯИМга таъсирини прогнозлаш.....	67
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	86
	ХУЛОСА.....	88
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	92
	ИЛОВА.....	97

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш ва улар ўзгаришини прогнозлаштириш ҳамда улар асосида олинган натижаларни иқтисодий ҳаётга татбиқ этиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Мавжуд иқтисодий тизимни бутунлай янги тартиблар асосида ислоҳ қилиш иқтисодиётнинг ривожланишдаги турли номутаносибликлар ҳамда танглик ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида иқтисодиётни жонлантириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш жараёни қонуний босқич ҳисобланади¹.

Иқтисодий ўсиш жараёни иқтисодий ривожланишда инқироз ҳолатларининг олдини олиш учун ишлаб чиқариш ва чиқарилаётган маҳсулот таркибини ўзлаштиришга йўналтирилади. Республикада иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки даврида иқтисодий ўсишнинг таъминлашдан кўзда тутилган асосий мақсад, аввало, макроиқтисодиётда мувозанатликни таъминлаш, ишлаб чиқаришни кескин даражада пасайишининг олдини олиш ва оммавий ишсизликнинг келиб чиқишига йўл қўймасликдан иборат бўлди. Кейинги пайтларда иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш натижасида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг барқарор тарзда ўсаётганлигини, инфляция ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогноз даражасида эканлигини кузатишимиз мумкин. Иқтисодий ўсишни таъминловчи стратегик тармоқларда бир қатор давлат дастурлари амалиётга татбиқ этилиши натижасида мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг юқори кўрсаткичларига эришилаётганлиги, инфратузилмаларнинг ривожланиши, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, самарали ва босқичма – босқич амалга оширилаётган ислохотлар туфайли янгидан – янги имкониятларни юзага

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <http://www.lex.uz>. 12.03.2017